

САЙЁР ҚАБУЛ  
ДАВОМ  
ЭТМОҚДА

2-бет

ЯНГИ ДАВР –  
УМИДБАХШ ЭПКИНЛАР,  
ИЛҲОМБАХШ ОДИМЛАР

2-3-бет

ТАРИХГА  
МУҲРЛАНГАН  
ТАСВИРЛАР

4-бет



TURKISTAN

japubiy.kz

# Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган  
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқады

2022 йил 15 сентябрь, пайшанба. №100 (3153).



КОНСТИТУЦИЯВИЙ  
КЕНГАШ Қ. ТҮҚАЕВНИНГ  
МУРОЖААТИ ЮЗАСИДАН  
ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Мурожаат «Қозоғистон Республикаси Конституциясига ўзgartыш ва құшымчалар кириши түгрисида» лойиҳасининг Асосий қонуннинг 91-моддасы 2-бандыда белгиланган талабапарга мувофиқлигини күриб қышиш түгрисида.

Қонун лойиҳасида Конституцияда республика Президенти ваколатыннан бир мартағаси етти ийлilik муддатини белгилаш, шунингдек, Асосий қонуннинг 2-моддасы мамлакат пойтахти номини ўзgartыришига оид ўзгарыштар кириши назарда тутилған.

Конституциявий кенгашнинг расмий сайты мәттүмлөтлөр асосида.

Мұғалистаннинг Улан-Батыр шаҳрида пауэрлифтинг бўйича ўсминалор орасида Осиё чемпиони Арман Тўйлибай, Ўзбекистоннинг Намангандар ўтган белбогли кураш бўйича жаҳон чемпионати чемпиони Қайсар Шамшидинов, Бухорода ўтган джину-джитсу жанговар спортидан Осиё чемпиони Муса Мекенбай ҳаморлари этирофини қонди.

Чордара тумани ҳокими Қайрат Жўлдабай спортчилар билан учрашиб, уларни галаба билан қутлади.

Голибларга ташаккурнома ва қимматабхо совгалар тақдим этиди. Шунингдек, туман маслахати котиби Арман Қарсибаев туман спорт соҳасига муносиб ҳисса кўшган спортчиларга маддий мукофотлар топшириди.

Таъкидлаш жоизки, Мустақил Қозоғистоннинг шарафини

## СПОРТЧИЛАРГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛДИ



нуфузли мусобақаларда химоя қилиб келаётган Туркистон вилоятининг истеъоддли спортчилари улкан мардларни забт этмоқда. Улар Осиё чемпионати

Жаҳон ва Осиё чемпионатининг рекордини янгилашди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

1 ТОННА ПАХТА –  
374 МИНГ  
ТЕНГЕ



Республикада пахта өтишириладиган ягона миңтака – Туркистон вилоятida пахта терими бошлилди. Жорий йилда вилоятда унинг экин майдони 126,3 минг гектарни ташкил этиди. Бу миңтакадаги умумий экин майдонининг 15 фоизини ташкил этиди. Гектаридан 27,3 центнердан ҳосил олинмокда.

Йигим-терим ишларини биринчи бўлиб Жетисай ва Мақтаарал туманларни бошлиб бериши.

Пахта хомашёсининг сотиш нархи Ливерпуль пахта биржаси маълумотларига мувофиқ белгиланади. Ўтган йили бир тонна пахта хомашёси 320 минг тенгедан қабул қилинган эди. Бу, ўз навтида, пахтачиллик билан шугулланувчи агрофирмаларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатди.

Хозир пахтанинг тоннаси 374 минг тенгедан қабул қилинмоқда.

Кузиг йигим-терим учун давлат томонидан 48 минг тонна ёқинги-мойлаш материаллари, минерал ўғитлар нархини субсидиялаш учун бюджетдан 6 миллиард тенге ажратилиди.

Туркистон вилоятини ҳокими матбуот хизмати.

## ВИЛОЯТ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

Қозоғистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 мартағи 826-сонли "Хокимларнинг аҳоли билан учрашувларини ўтказиши түгрисида"ғи Фармонининг ижроси доирасида Туркистон вилоятини ҳокими Дархан Аменгелдиули Сатибалдининг туманинг Сарығоч туманинда аҳолиси билан учрашуви 2022 йил 23 сентябрь куни соат 10.00да Сарығоч шаҳри (Исмаилов кўчаси, 41 "А"), "Женіс" истироҳат бўғида ўтади, вилоят ҳокимининг шахсий қабули 2022 йил 23 сентябрь куни соат 15.00да "Келес тумани ҳокими деяни" давлат мусассасаси (Абай қишлоғи, Т. Рисқулов кўчаси)да ўтади.

Исмаилов кўчаси, 39 "А" биносида ўтади.

Шунингдек, вилоят ҳокими Дархан Амангелдиули Сатибалдининг Келес туманинда аҳолиси билан учрашуви 2022 йил 23 сентябрь куни соат 14.00да "Женіс" истироҳат боғи (Абай қишлоғи, Рисқулов кўчаси)да ўтади, вилоят ҳокимининг шахсий қабули 2022 йил 23 сентябрь куни соат 15.00да "Келес тумани ҳокими деяни" давлат мусассасаси (Абай қишлоғи, Т. Рисқулов кўчаси)да ўтади.

Қабулга аввалдан ёзилиши 8(72533)

5-98-99 алоқа телефони ҳамда t.akimat@ontustik.gov.kz электрон почтаси орқали 2022 йил 6 сентябрьга қадар соат 9.00дан 19.00 орагигида (түшик танаффус соат 13.00дан-15.00гача) амалга оширилади.

Тегиши ташкилотларнинг иштироқини таъминлаш ҳамда беъосита алоқа ўрнатиш мақсадида ариза берувчининг исми-шарифи, савол мазмуни, манзизоҳ, алоқа телефони ҳамда электрон почта (бор бўлса) аниқ кўрсатилиши керак.

• Үқиб, ёд олинг!



Анормат ЛОЧИН

Қардошилик  
қўшиги



Қозоқ-ўзбек дўстлигигин, биз азалдан биламиз, дўстлик бўлсин мангу деб, пок нијатлар қиласиз. Боборлар ҳам шунинг-чун, қиз олиб, қиз бершишган, Дунё ризу рўзларин, биргалашиб теришган. Қозоқ қизидан келин, бунинг бир миссолидир, дўстликка садоқатнинг, ажойиб тимсолидир. Чунки миллат ажратиб, ҳеч ким баҳти бўлмаган, Ўзгани сийламаган, баркамол бўлмаган. Ўша кун, қозоқ қизи, бизга келин булганди, Кувгинчи қудаларга, уйимиз лиқ тўлган. Ёшлар аҳдин билишагч, баҳт-саодат тилашган, Тўй кунларин белгилаб, уйлариға қайтишган. Кексаларни ҳурматлаб, тўллардан жой берганмиз, Олларига қимислар, қози-карта тегранмиз. Камталаҳ дуюси-ла, бошланганди, шунда тўй. Йигиланлар қалбиди, ўтган эди ширин ўй. Қўшикларин үйтишган, куда томон ажелар, "Айтис" айтуб тортишган, заевланганди, божалар. Исломий тўй эмасми, қимис, қози, мўл бўлган. Соглом дунёқарашдан, барчанинг кўнгли тўлган.

## ТИНЧЛИК УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛИЗ

ДАВЛАТ РАҲБАРИ ПОЙТАХТДА ЎТГАН ЖАҲОН ВА АНЪАНАВИЙ ДИНЛАР ЕТАКЧИЛАРИНИНГ СЪЕЗДИДА МАЪРУЗА ҚИЛДИ

– Бугунги тадбир барчамизнинг тинчликни асрар ша тамадунларро мулокотни мустаҳкамлашдан манфаатдор эканимизни кўрсатади. Ўзгаришлар ва таҳдидлар даврида бугунги учрашув алоҳида аҳамият касб этиди. БМТ, бошқа ҳалқаро ташкилотлар раҳбарлари, сийасатчилар ва экспертилардан миннатдорман. Съезд ўтказиш ташаббусимизни кўплаб-куватлаганинг мамлакатимиз учун жуда муҳим.

Муҳтарам дин пешволари, ҳурматли жамоатчилик, бугун Жаҳон ва анъанавий динлар етакчиларининг

съезди дунёвий даражадаги тамадунлараро мулокот майдонига айланди. Мазкур анжуманин ўтказиш ташаббуси Қозоғистондан чиққани бежиз эмас. Чунки, қозоқ заминни асрлар давомида Гарб ва Шарқ ўтасида кўпик бўлиб келган. Буюк Даشت худудида бир қанча йирик кўчманчи империялар яшаган. Диний барқарорлик уларнинг барчасига хос хусусият, – деди Қасим-Жўмат.

Тўқаев.

«Егемен Қазақстан».



## «БУЮК ДАШТ» ЭТНОФЕСТИВАЛИ

НУР-СУЛТАН ШАҲРИДА 5 КУН ДАВОМИДА  
ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДА ЎТАДИ

Жаҳон ва анъанавий динлар етакчиларининг VII съездига арафасида пойтахтда 5 кун давомида очиқ остида «Буюк Даشت» этнофестивалинигни остида.

Нур-Султандаги «Байтерек» майдонида катор ўтовлар ўрнатилиб, ўтасига катта саҳна барпо этилди. Бу йил пойтахт жаҳон ва анъанавий динлар етакчиларининг VII съездига меҳмонларни шу тарика кутиб олди. Бош режиссер Асхат Маємиров «Буюк Даشت» этнофестивалининг мазмун-моҳиятига тўхтади.

– Жаҳон ва анъанавий динлар етакчиларининг VII съездидо доирасида сентябрь ойининг серкүш кунидаги пойтахтимизга ташриф буюрган меҳмонлар, съезд иштирокчилари, умуман, сайёхлар учун «Буюк Даشت» этнофестивалини ўтказмоқдамиз. Тадбир Нур-Султан шаҳар ҳокимлиги, шаҳар маданият бошқармасига қарашли маданият жамоалари иштирокида ташкил этилди. Съездга келган меҳмонлар орасида диний арабблардан ташқари илоҳиётшунослар, маданият мутахассислари, маънавият намояндлари ҳам бор. Асосий мақсад Буюк Даشتнинг маданий-музисий меросини тарғиб қилиш ва таранум этишdir.

– Пойтахтимиз кўрки – «Байтерек»инин иккни томонида ўтовлар курдик. Қозоқ заргарлик буюллари ва ҳунармандилчиги бир қанотда намойиш этилган. Улар орасида милли либосларимизни тикиш жараённи кўрсатилган. Сополдан ва темирдан ясалган буюллар қандай тайёлранишини ҳам кўришингиз мумкин. Иккинчи томондаги кўргазма асосан қозоқ ўтови санъатига бағишилган. Бургут ва този ўтлашган овчилик буюлларни мурасимларни майдондаги ҳалқ оғизида кутиб олди.

Жаҳон ва анъанавий динлар етакчиларининг VII съездига арафасида пойтахтда 5 кун давомида очиқ остида.

– Биз Рим Папасининг ушбу ташрифини уюштирган руҳонийлар делегацияси билан Италиядан келдик. Кеча келганимиздан бўён шаҳарнинг дикъатга сазовор жойларини томоша қилимиз. Меҳмондўстликдан мамнумимиз. Гёй ўз уйимиздамиз, – деди делегация аъзоси.

24.kz.





Бўлма дунё дўст, гар истар эсанг осудалик,  
Лек ҳар не қўпсалар, бўл аҳли дунё бирла дўст.  
Эй Навоий, неча душман бўлса, ёнма дўстдин,  
Чун санга бўлмиштур ул юз минг таманно бирла дўст.

Алишер НАВОИЙ.

## ЮРАКЛАРДА ДЎСТЛИК КЎПРИГИ



Қозоқ-ўзбек биродарлгини, дўстликни чек-чегараси йўқ уммонга ўхшатишлари бежиз эмас. Бу дўстлик, қардошик борасидаги адабий-бадис асарлар қалбининг тубидаги зилол бўлоғининг кўзини очиб юборади. Чунки ўзбек ва қозоқ халқлари дўстлигининг томирлари теран. Ўзбек ҳамиша қозоқ биродарини «жигарим», деб ардоклади, қозоқ ўзбекни «ўз оғам», деб эъзозлайди.

Ўзбек ва қозоқ эли орасида дунёдаги барча халқлар ҳавас қиласа, ибрат олса арзидиган теран аҳиллик, тотувлик шаклланган.

Алмати кооператив институтида бирга таҳсил олган, сўнг 10 ийл мобайнида бирга ишлаган дўстим Аусадик Аубеков билан узилганига 35 йилдан ошган эди. У Алмати шаҳрида истиқомат қиласарди. Шунинг учун Алмати шаҳрига бир неча бор излаб бориб, топа олмаган эдим. Яқинда Нурсултан Назарбаевнинг «В сердце Евразии» китобини ўқиётib, кўйидаги сатрларга кўзим тушди: «Сұхбатдан сўнг дарҳол В. Нишончли одамларни – ишончи топшириш мумкин бўлган ва вазифага юксак масъулият ва ишбилармонлик билан ёндашадиган инсонларни тўплади. Бундай одамлар топиди: Вячеслав Павлович Иванов – ку-

рувчи, Булат Газизович Нурпесиков (хозирда Президент Маммурияти раҳбарининг ўринbosari бўлиб ишлайди), Олег Анатолиевич Песков (Президент Маммурияти раҳбари ўринbosari), Аусадик Аубеков ва бошқалар.

Сўнг уни интернет орқали пойтахтдан излай бошладим. Нур-Султан шаҳар маслаҳатининг сайтида унинг Нур-Султан шаҳрида истиқомат қиласётгани хақида маълумот топилди.

Кўп йиллар КР Молия вазирлиги «АСНАН ҚОНАҚ ЎЙ» директорлар кенгаси аъзоси, олий ва ўрта ҳокимият органларини Алматидан янги пойтахта кўчириш бў-

йича комиссия аъзоси сифатида фаолият юритган, ҳозир нафақада экан. Нур-Султан ва Туксон (АҚШ) шаҳарларининг фахрий фуқароси экан. «Қўрмет» ордени ва бошқа ўнлаб орден ва медаллар билан тақдирланган.

Хабар топган заҳоти йўлга чиқдим. У мени аэропортда кутиб опди. Ёшлик даврийизни эслаб, узоқ сұхбатлашдик. Пойтахтнинг диккатга сазовор жойларини бирга ораладик.

Кифтигма қозоқ миллий чононини ёпиб, совга-саломлар билан кузатиб қўиди. Шоир Низом Қосимнинг кўйидаги мисралари ёдимга тушди:

Замин бирдир, само бирдир,  
Макон бирдир, замин бирдир.  
Имон бирдир, Ҳудо бирдир,  
Сухан бир ва нило бирдир.  
Икки дона – бир магиз, пўстдирмиз,  
Ҳам қариндош, ақрабою дўстдирмиз.

Абдуғани БОБОЕВ,  
мехнат фахрийи.

### ● Яссавий мероси

## «Тўрт эшик – қирқ мақом»га кўра, тасаввуфий унсурлар



Аҳмад Яссавийнинг тасаввуфий тушунчаси тўлиғи – «тўрт эшик – қирқ мақом»га асосланган. Чунки у, ҳам инончи, ҳам важдини шунда эканлигини айтгандир. Айни пайтда у тасаввуфий тушунчасини бир таълим тизими тарзида тақдим этиб, буни бир яшаш шакли ва ислом динининг ҳаётга мувофиқлашуви дея баҳолаган.

“Фақрнома”да тавсифланган “тўрт эшик – қирқ мақом” тушучаси амалда жорий этилса, инсон осонони билан Аллоҳ оғизлига восил бўлиши мумкин. Аммо Аллоҳга етишиш йўйини мана бундай бир қиёсда ифодаласа ҳам бўлади. Дейлик, кимдир тўрт қаватли бир бинога эгалик қўлмокда. Унинг илк қавати шариат, иккинчиси тариқат, уччини қавати маърифат ва ниҳоят охириси ҳакиқат, деб тасаввур этса, янглишмайди. Бинодаги ҳар бир қават ўн хонадан иборат. Ушбу мажозий ифодалар Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат» ва “Фақрнома”сида ҳам мавжуд. Яъни ўн мақом, ўн нур, ўн йўл, ўн мақон-ўрин ва фақрнинг олти одоби, саккис мақоми, етти мартабаси”.

### Яссавий асрларида “тўрт эшик – қирқ мақом”:

Шариатдаги ўн мақом: 1. Иймон келтириш. 2. Намоз ўқиси. 3. Рўза тутиш. 4. Закот бериш. 5. Ҳажга бориш. 6. Ҳилм соҳиби бўлиш. 7. Илм олиш. 8. Аҳли суннат вал-жамоатта мансублиги. 9. Амри бил маъруфни билиш. 10. Наҳй анил мункар соҳиби бўлмоқ.

### Маърифатдаги ўн мақом:

1. Фано бўлиш. 2. Дарвешликни қабул қилиш. 3. Таҳаммул соҳиби бўлмоқ. 4. Ҳалол ва гўзал истак-ла яшаш. 5. Маърифат соҳиби бўлиш. 6. Шариат ва тариқат ҳукмларига риоя айлаш. 7. Дунёни тарк этмоқ. 8. Охиратни ихтиёр айлаш. 9. Вуҷуд мақомини билиш. 10. Ҳақиқат сирларини ўзлаштириш.

### Ҳақиқатдаги ўн мақом:

1. Соддадиллик, кўнгли очиқлик. 2. Некбинликка риоятла яхши-ёмонни таниш. 3. Хайрсевар, ҳасаддан йироқ бўлиш. 4. Мол ва жонини Аллоҳ ўйлига бағишиш. 5. Бандасини ранжитмаслик. 6. Фақр эътиқодга айлантириш, фақрни дастурламал қилиш. 7. Сайру сулукка соҳиблик. 8. Сирни ошкор қилмаслик. 9. Тўрт эшик, қирқ мақомни билиш ва амал қилиш. 10. Вуслат (Танги висолига восил бўлиш).

Абдураҳмон ГЎЗАЛ.  
Яссавий “Фақрнома”сидан.

## ЭМЛАШ – САЛОМАТЛИК ГАРОВИ



Эмлаш юқумли ва ҳатто ўлим билан яқунланадиган касалликлар тарқалишининг олдини олади. Одам организми кўтара олмайдиган кўпгина хавфли касалликлар мавжуд. Ҳатто оддий грипп ҳар йили дунё бўйича минглаб одамлар ҳаётини олиб кетаётган бир пайтда, ўлат, полиомиелит, дифтерия ва қизамиқ каби хавфли касалликлар ҳақида нималар дейиш мумкин?

Масалан, полиомиелитнинг ўлим кўрсаткичи 20 фойизи ташкил қиласи, лекин қолган 80 фойиз касалланганлар асоратариси тўлиқ согайбет кетади дегани эмас. Касаллик бир умр из колдириб, одам ногирон бўлиб колиши мумкин.

Шуни ёдда тутиш жоизки, оғир юқумли касалликлар бўйича етарлича барқарорлик ва эпидемиянинг йўқлигига аҳолини оммавий эмлаш орқали эришилди. Эмланганларда қўзгатувчиларга қарши иммунитет ҳосил бўлиб, эмланмаганлар эпидемиялар келтириб чиқарди. Эмлаш нафақат болаларни, балки турли ўшдаги аҳолини ҳам ҳимоя қилиш хусусиятига эга.

Эмлаш билан олдини олиш мумкин бўлган касалликлар тўғрисидаги билимлар тўғри қарор қабул қилиш учун асос бўлади.

Азизхон ҲОЖИХОНОВ,  
Қорабулоқ қишлоғи, Сайрам туман  
касалхонасининг болалар шифокори.

### ● Меҳнат одами

## ХИРМОН БАРАКАЛИ БЎЛАДИ



Пахта хом-ашёси нархи жаҳон бозорида икки ҳафта аввалидан анча пайсанган бўлса ҳам бўлоғи дунё ўтган йилгига нисбатан анча юқори. Пахта том маънода – «оқ олтин»га айланмоқда.

Қарийб 1000 гектар майдондаги пахта етиштируви хўжаликлар билан ҳамкор, Ҳабибулла Азимов раҳбарлик қиласётганинг «Турон» хўжалиги далалари асосан бургулаб қазилган қудукларидан олинадиган оби ҳаёт билан сурорипади. Қудук суви билан ариқ суви ҳарорати бирдади эмас. Хўжалик зироатшуноси Ҳалилло Мараимов бу ҳақда бизга анча маълумот берди.

– Насиб этса, сув омбори ишга туширилса, бу камчикли ҳам барҳам топади. Ҳ. Мараимовнинг Калифорния чувал-чангидан биогумус олиш орқали соғ табийи ўйт билан ҳосилдорликни ошириш

тажрибасидан газетхонлар хабардор. Ҳ. Мараимовнинг ўғли Ҳуршид Носиров Шимкентдаги М. Ауезов номидаги универсitetni тамомлаган, бугунги кундан тажриба ортираётган истиқболли ёш мутахассислардан. Пахта томинг “Туркистон” навидан 45 центнердан зиёд ҳосил олиш режаламоқда, – деди хўжалик раҳбари Ҳабибулла Азимов.

– Жорий йилги ҳосилни тўртта замонавий пахта терим комбайни билан тереб олимас. Электр қуввати нархи ошганлиги түфайли бургуланган қудуклардан олинаётган оби ҳаётнинг таннархи анча кўтарилиди. Бу ҳосилнинг таннархини ошириши табийи. Шунга қарамай, дехқонлар яхши даромаддан умидвор.

Ш. МАДАЛИЕВ.  
Суратларда: учрашувдан лавҳалар.  
Муаллиф тасвирлари.

Директор – Бош муҳаррир –  
Алишер Фоғуржон ўғли  
СОТВОЛДИЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:  
Муроджон АБУБАКИРОВ.  
Авазхон БЎРОНБОЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

**Масъул шахслар:**  
Туркистон, Кентов – Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.  
Түлебий – Баҳорий ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.  
Қазигурт – Ҳуршид КЎЧКОРОВ. +7-701-447-37-42.  
Сайрам – Мухтабар УСМОНОВА. +7-707-257-97-36.  
Тулқибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.  
Обуна, реклама ва эълонлар – Зокиржон МУМНИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90.  
**Қозогистон Республикасида тарқатилади.**

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.  
Мулк эгаси – “Жанубий Қозогистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти” масъульияти чекланган биродарлиги.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазориги  
томонидан 2020 йил 21 апрельда  
рӯзгарида олинни, KZ24VPY00022503  
гувоннома берилади.  
● Маколалар, эълон ва билдирувлардаги  
фото ҳамда далилларнинг түрлуги учун  
муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар  
масъулдор.

МАНЗИЛИМИЗ: 160023, Туркистон шаҳри,  
“Жана қала” кишик тумани,  
11-кўча, 26-бино, 3-кават.

Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79.  
Бухгалтерия: 39-16-44. +7-747-701-50-55  
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 13000 нусха.  
Букорта: 2437. Навбатчи муҳаррир: Ҳуршид КЎЧКОРОВ.